O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Марҳумларни ёд, тирикларни шод этайлик!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 9 май пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 99 (2927)





**Олий Мажлисда**

## Янги қонун тайёрланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда янги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси устидаги иш Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қабул қилинган «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ амалга оширилди.

Ишчи гуруҳи таркибига статистика, иқтисодиёт, молия ва адлия соҳаларидаги юқори малакали мутахассислар киритилган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Хушхабар**

## Пиллакорлар ютуғи

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» хўжалиги пиллакорлари пилла тайёрлаш шартнома режасини ортиғи билан бажардилар. Қабул пунктларига 6 минг 500 килограмм юқори сифатли пилла топширилди. Хўжаликдаги О. Эгамбердиева, З.Бекмуродов, Ў.Қораева, Ҳ. Тиловов, Р.Жомуродов бошлиқ оила ҳар қути қурт уруғидан 60 килограмм ўрнига 90-100 килограммдан пилла етиштирди.

**А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.**





# ТАЪЗИМ

**Хотира ва Қадрлаш куни.**

**Бу кун, аввало, ўтганлар руҳини шод этгаймиз.**

**Бу кун волидаи муҳтарамаларимиз, падари бузрукворларимиз, ёру биродарлар, яқинларни қадрлаб, ҳурматларини бажо қилгаймиз. Айниқса, суратдагидек чеварасини суюб эркалаётган, уч асрни кўрган, 103 ёшли Чўлпонмомо Бегматова сингари мўътабар, табаррук кексалар олдида ҳар қанча таъзим айласак ҳам оз. Зеро, Хотира ва Қадрлаш куни Қарияларни қадрлаш йилида ўзгача руҳият, кайфиятда нишонланаётгани гувоҳимиз.**

**— Кексалар қадр топаётган, эъзозланаётган шундай заминда яшашнинг гашти бошқача бўларкан. Қадрқимматимиз, ҳурматимизнинг бу даража иззат-икром этилишидан минг бор мамнунмиз, — дея сўзлайди Чўлпонмомо.**

**Бўз туманида юз билан юзлашган бундай отахону онахонлар 16 нафар. Улар Яратганнинг суйган бандалари бўлса керак. Ахир уч асрни кўриш, 103 ёшида ҳам тетик, бардам юриш, фарзанду набиралар, эварою чевараларга бош-қош бўлишнинг ўзи бўладими? Кексаларга ғамхўрлик қилиш, ҳолидан хабар олиш туман ҳокимлиги диққат марказида. Тумандаги байрамлар, яхши кунлар уларсиз, уларнинг иштирокисиз ўтмайди...**

**Бу кун ўтганлар руҳи поки олдида ҳам, кексалик гаштини сураётган инсонлар олдида ҳам қўлимиз кўксимизда таъзимдамиз.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Айём шукуҳи

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигида узоқ йиллар давомида эл-юрт фаровонлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиб келган уруш ва меҳнат фахрийлари Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бир дастурхон атрофида жамландилар. Тадбирда сўзга чиққанлар олис хотиралар, бугунги доруломон кунлар қадри ҳақида тўлқинланиб суҳбатлашдилар.

— Мен энг бахтли инсонларданман, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, истеъфодаги генерал-лейтенант С. Охунжонов. — Негаки, мен қариялар қадр топган юртда яшаяпман. Бу кунларни қанчадан-қанча юртдошларимиз орзу қилмаган дейсиз. Не бахтки, бу қутлуғ кунларни кўриш бизга насиб этди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ўтказилган тадбир ҳам ана шу қутлуғ санага бағишланди. Кечага беш юз нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Байрам сўнгида фахрийларга туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган совғалар тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

---

8 май куни Самарқанд шаҳри марказидаги Хотира хиёбони жуда гавжум бўлди. Бу ерга Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча туман ва шаҳарлардан уруш ва меҳнат фахрийлари, отахон ва онахонлар ташриф буюрди. Улар иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизни ёдга олиб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Шу куни фахрийлар Пайариқ туманидаги Шоирлар боғида ҳам бўлди. Бу ерда Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган ватандошларимизни хотирлаш муқаддас бурч эканлиги, Президентимиз томонидан 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани кексаларга бўлган юксак ҳурмат, эътибор нишонаси эканлиги таъкидланди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят "Нуроний" жамғармаси томонидан фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Уйғун РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

***2002 йил Президентимизнинг ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида бу борада белгиланаётган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш бўйича оммавий ахборот воситалари олдига катта вазифалар қўйилган эди. Шу муносабат билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳамда республика «Нуроний» жамғармаси***

### «Қариялар — эл фахри, юрт ифтихори»

мавзуида отахон ва онахонларимиз ҳаётидан олиб ёзилган энг яхши лавҳа, очерк, публицистик мақола, шеър ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қилади. Унда ўзбекистонлик ҳар бир ижодкор қарияларимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганликлари, айни пайтда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги материаллари билан қатнашиши мумкин.

**Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:**

| БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ | УЧТА ИККИНЧИ МУКОФОТ | УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ |
| --- | --- | --- |
| — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида. | — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида. | — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида. |

*Бундан ташқари, ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида олтита рағбатлантирувчи мукофот.*

Танлов жорий йилнинг **8 декабри** — Конституциямизнинг 10 йиллик байрами кунида якунланади. Танлов ғолибларига мукофотлар **30 декабрь** — янги йил арафасида топширилади.

**Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-57-34, 136-35-60, 132-09-40, 132-10-64.**



# 9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни

# Ўчмас чироқ

Президентимиз баҳорнинг мунаввар, илиқ кунларининг бирига — 9 Майга Хотира ва Қадрлаш куни деб ном берган эди. Ва бу ном азалдан ҳам халқимизнинг оғриқли кечинмаларига туташ кунга ўзгача мазмун, маъно бахш этди.

Биз хотирлаш ҳуқуқига эга бўлдик.

Ахир, дунёда хотира ҳуқуқидан маҳрум этилишдан оғирроқ жазо борми? Киммиз, деган саволга жавоб топмоқчи, ўтган — миллатинг босиб ўтган (босилиб ўтган) йўлларини тафаккуринг шамларини ёқиб, пайпасламоқчи бўлсангу «пуф» этиб, бу шамни ўчирсалар, у тараф «қоронғу, бўшлиқ, чуқурлик» десалар...

Бугун ўша — қўлимизга чироқ, изимизга йўл берган кун. Биз «Киммиз?» деган саволга бемалол жавоб топишимиз, жавобларимизга суяниб, дадил юраётган йўлимизда яна ҳам дадиллашишимиз мумкин.

«Гарчанд шаҳарда ниҳоятда мушкул ва оғир вазият вужудга келиб, саросима ва ваҳимага тушиш кўзга ташланган бўлса-да, душманга қарши курашни давом эттириш тарафдорлари оз эмасди. Ҳатто айрим табақа вакиллари Ватан мустақиллиги учун ҳеч нарсасини аямаганлар. Масалан, яккабозорлик Қосимбой деган киши бир хуржун кумуш танга келтириб, халойиққа: «Кимки уруш ва ғазотни давом эттирса, бир ҳовучдан танга бераман», — деб ташвиқот юргизган».

Бу тарих 1865 йилларда Тошкент ҳимоячиларининг мўр-малахдек бостириб кираётган босқинчиларга қарши курашларидан бир лавҳа.

Биз ўша бир ҳовуч кумуш танга бериб бўлса-да, одамларда қўрқув туйғусини ўлдириш, жасорат, ор-номус ҳиссиётларини уйғотишга интилган Қосимбоймиз!

Биз миллатимизнинг қоронғу кечаларида осмонда ёнган ўша Чўлпонмиз!

Айтолмаслик, айтишга иложсизлик тақдир, қисмат бўлиб тилларини боғлаган Ойбекмиз!

Эгнидаги тўнини юпунга, телпагини ялангбошга кийдирган ва шундан ҳамма нарсани билиб, яллиғланиб турган кўнглига таскин топиб яшаган Ғафур Ғуломмиз!

Бугунги ойдин остонада туриб бир бор «Биз киммиз?» десак бас, олис-яқин ёдимиз йўллари, сўқмоқларидан минг, миллион овоз акс-садо беради.

У ёниқ овозлар — Қадрият!

Биз гоҳо қадрият деганда анъаналар, нарсалар, буюмларнигина тушунамиз.

Аслида энг катта қадрият — Инсоннинг ўзи!

Бугун бир-бировига суяниб, кўчаларни тўлдириб оҳиста одимлаётган оқ рўмолли момолар, нуроний кексалар ҳам қадрият. Улар ўша биз суяниб тикка турган бақувват Хотиранинг давоми...

— Эҳ-ҳе, болам, Шўро замонида кунжара еб шишиб ўлган болаларни кўрдик, сизлар кўрмангглар, беминнат топаётган нонингиз, ризқ-рўзингизга шукур қилинглар, — дейди 100 га кирган боболар дастурхондаги нон увоғини кўзга суриб...

Бу гапни шунчаки панд-насиҳат ўрнида қабул қилмаймиз. Серёмғир кунлар шарофатидан шовуллаган буғдойзорлар қадри бўй чўзади юрагимизда бу гаплардан сўнг. Эгилмас бошимизни эгиб нам тупроқ, майса, гиёҳларга лаб босамиз, уларни манглайимизга теккизиб тавоф қиламиз.

— Биз Ўзбекистон деб бемалол айта олмаганмиз. Юрагимиз тагида гавҳартошдай чўкиб ётган бу қутлуғ ном! Сизлар кенг майдонларда жўр бўлиб қўшиқ қилиб куйлайсизлар! — дейди нафақадаги тарих муаллимаси.

Ва бирдан Ўзбекистон номи баҳор лолазорларидай ловуллаб ёнади нигоҳларимизда.

Шу туйғулар, шу кечинмалар учун қадриятларни — ёши улуғларни, неие йўллар, йиллардан сочилмай, соврилмай етиб келганларни қадрлашга бурчли эканлигимизни теранроқ ҳис этамиз!

Хотира ва Қадрлаш...

Бу куннинг номигина эмас, бизга тутилган чироқ.

Биз узоқ йўлга чиққанмиз, ҳали кўп юрмоқчимиз, кўп бор кўнглимизга «Биз киммиз?» деган савол келади. Кўп бор кўз нури йўллар, йилларга тўкилиб, гулханлар, гулзорларга айланган кишилар сўзига талпинамиз.

Ва шунда бу чироқ ҳаммамизга ёритқич бўлади.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## ЮРТИМИЗДА:

### Қишлоқда хусусий шифохона

Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғи шифобахш илиқ суви, табиий балчиғи турли касалликларга даво ҳисобланади. Мазкур қишлоқда жойлашган физиотерапия шифохонаси узоқ йиллар аҳолига беминнат хизмат қилиб келди. Бироқ йиллар ўтган сари шифохона ҳам, асбоб-ускуналар ҳам эскириб замон талабларига жавоб бермай қолди. Шундан сўнг бош шифокор А. Бекмуродов жамоадошлари билан келишиб шифохонани хусусийлаштириб олди. Шифохона тўлиқ қайта таъмирланди. Юз нафар беморнинг даволаниши учун шароит яратилди. Шифохонада игна билан даволаш ҳам йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда яна 50 нафар беморга хизмат кўрсатадиган қўшимча бино қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

### «Сиз ҳамиша биз билан»

Кеча пойтахт вилояти ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан узоқ йиллар ички ишлар идораларида ишлаган уруш ва меҳнат фахрийларининг дийдорлашув кечаси бўлиб ўтди. Тадбир аввалида фахрийлар «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Сўнгра улар милиция генерал-майори М. Шералиев хотирасига ўрнатилган хотира ёдгорлиги томон йўл олдилар. Хотира ёдгорлиги очилиши маросимида сўзга чиққанлар нафақат М. Шералиев, балки унинг жасур ва фидойи сафдошлари ҳақида ҳам алоҳида ҳурмат билан сўзладилар. Фахрийларнинг бир пиёла чой устида ўтган суҳбатлари эса янада мароқли кечди.

### Нуронийлар боғи

Олтинкўл туманида хайрли ишга қўл урилди. Тумандаги «Андижон» ширкат хўжалиги ҳудудида «Нуронийлар боғи» ташкил этилди. Хурмо ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтказилган боғ қарияларимизнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

### Кўргазма очилди

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб уруш ва меҳнат фахрийлари А.Балканов, Ф.Сайидалиева, Г.Жирнов, А.Слугин асарларининг кўргазмаси очилди.

Унда фахрий рассомларнинг уч юздан зиёд асари намойиш этилмоқда. Уларда, асосан, уруш ва тинчлик, иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнати, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, юртдошларимизнинг бунёдкорлиги акс эттирилган.



## 24 соат ичида

### Вазирлар тайинланмоқда

Франция президенти лавозимига қайта сайланган Жак Ширак жаҳондаги йирик пўлат ишлаб чиқарувчи «Arcelor» корпорацияси раҳбари Френсис Мерни мамлакат молия вазири, илгари Бош вазир лавозимига даъвогар бўлган Николас Саркозини ички ишлар вазири, сайловда Ширак штабининг бошлиғи бўлган Доминик де Виплепинни ташқи ишлар вазири этиб тайинлаган. Ўнг кучлар Республика Халқ Бирлашмаси партиясининг етакчиси Мишель Альо- Мари хоним Франциянинг биринчи аёл мудофаа вазири бўлди.

### Карачида яна бир қўпорувчилик

Покистон пойтахти Карачида хорижлик сайёҳларни «Karachi International Airport» аэропортидан маҳаллий меҳмонхоналардан бирига олиб келаётган автобусда юз берган портлаш натижасида 10 дан зиёд киши ҳалок бўлган ва 20 киши тан жароҳати олган. Тахминларга кўра, автобусдаги чет элликларнинг кўпчилиги германияликлар бўлган.

### Авиафожиа

Хитойнинг «Northern Airlines» авиакомпанияси раҳбарияти сешанба куни ҳалокатга учраган самолётдаги 112 нафар йўловчининг барчаси ҳалок бўлганини эълон қилган. Унгача қутқарувчилар авиафожиадан сўнг омон қолганлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган фикрда эдилар.

## ХОРИЖДА:

### Буш - хайрихоҳ

АҚШ президенти Жорж Буш Непал ҳукуматига ушбу мамлакатда конституцион монархияни ағдариб ташлаш ва коммунистик режим ўрнатишга ҳаракат қилаётган маочиларга қарши курашишда хайрихоҳлик кўрсатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Оқ уйда бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Непал Бош вазири Шер Баҳодир Дуеба маълум қилган.

### Сайловлар муддати ўзгартирилмади

Нидерландия ҳукумати навбатдан ташқари мажлисида сешанба куни мухолифатдаги ўнг кучлар етакчиси Пим Фортейннинг ўлдирилганига қарамасдан, мамлакатда ўтказиладиган парламент сайловларининг муддатини ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилган. Шундай қилиб, ушбу сайловлар жорий йилнинг 15 майида бўлиб ўтади.

### Тўрт томонлама учрашув

Сухумида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишчи гуруҳининг мажлиси бошланди. Унда Кодор тоғ дарасидаги вазият муҳокама қилинмоқда. Ушбу тўрт томонлама учрашувда МДҲ тинчликпарвар кучлари ҳамда Грузия, Абхазия вакиллари, БМТ кузатувчилари иштирок этишмоқда.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс», «Интернет».

# ХОТИРА УЙҒОҚКИ,




## Илинж

*Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,*
*Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.*
*Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,*
*Айтиб ўтсам дейман кўҳна дардларингдан.*

*Алмашдилар сени ному рутбаларга,*
*Мунглуғ бўлиб қолдинг ботиб шубҳаларга.*
*Ҳилолларинг қайтар яна қуббаларга,*
*Мозийларга сўйлаб-сўйлаб зорларингдан.*

*Менга қадим минорлардан бир сас етар,*
*Шул сас менинг кўнглим охир серфайз этар.*

*Менга дунё керак эрмас, бир хас етар*
*Яссавийлар ётган азиз ерларингдан.*

*Оқсаройга қай кунки юз бургандим мен,*
*У кунларда қадринг учун ўртандим мен.*
*Шеър айтишни сал-палгина ўргандим мен*
*Чинорларда йиғлаб ётган баргларингдан.*

*Бу дунёда кўнгилларга чироқ ёқсам,*
*Мозорларинг сукутидан сабоқ олсам,*
*Тиниққина булоқ бўлиб оқиб қолсам*
*Оллоёрлар назар қилган жарларингдан.*

**Сирожиддин САЙЙИД.**



## Ғафур Ғулом ва Навоий

Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий гарчи XV асрда яшаб ижод этган бўлса-да, ўзидан кейинги даврларда яшаган кўплаб шоир ва ёзувчиларга руҳий-маънавий устоздир. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг ҳам Навоий сиймосига ва ижодига ҳурмати катта бўлган. У болалигидан бошлаб Ҳазрат бобомиз ижоди билан танишган. Бу ҳақда ўзининг «Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши» мақоласида ёзади: «Мени ана шулар яратган мерос тарбиялаган. Ҳали бешикда ётар эканман, онам Ҳофиз, Жомий, Навоий ва Фузулийларнинг шеърларини айтиб мени аллаларди. Шунинг натижасида бу ижодкорларнинг асарлари она сути билан менинг қонимга сингиб кетиб, жисмимга зўр руҳий озуқа бағишларди».

Навоий асарларини бешикдаёқ эшитган Ғ.Ғулом тўққиз ёшидаёқ унинг асарларини бемалол ўқий бошлаган, ёд олган. Кейинчалик шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб жуда кўплаб шеър ҳамда мақолалар ёзган. Навоий туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлаш арафасида унинг асарларини нашр этиш билан бир қаторда достонларининг мисрама-мисра насрий баёнларини яратиш ташаббуси бошланади. Ғ.Ғулом томонидан «Фарҳод ва Ширин» достонининг насрий баёни 1940 йили алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқади. Шоир иш бошлашдан олдин достоннинг бир қатор қўлёзма ва тошбосма нусхаларини чуқур ўрганади, уларни солиштириб мукаммал матнини тайёрлайди. Бунда у Шоҳмурод котиб ёзган ва 1901 йилда Норцев матбаасида босилган нусхасини асос қилиб олади. Насрий баён 1940, 1956, 1975 йилларда нашр қилинади.

Шоир 1948 йилда «Алишер» номли шеърини ёзади. Шеърда Навоий ҳаёти ва ижодини тасвирлаш билан бирга, улуғ ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти ҳақида фикр юритади. Буюк алломаларни тарбият қилган ўзбек халқи маданияти ва тарихини ғурур билан тасвирлайди:

*Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,*
*Талай жафоларни тортган эски Шарқ —*
*Не-не даҳоларни тарбият қилиб,*
*Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.*

Яна шу йили шоир «Навоий ва замонамиз» номли мақоласини ёзади. «Сиёҳдон», «Улуғ дўстлик» ва бошқа кўплаб асарларида ҳам Навоийни эслайди ва унга мурожаат қилади. Бутун ҳаёти ва ижоди давомида унинг асарларини ўқиб ўрганган ва унинг сиймосини ўз асарларида акс эттирган Ғ.Ғулом устози қабрини зиёрат қилиш армони билан яшайди. Ва ниҳоят, орзусини амалга ошириш имконияти туғилади. 1964 йилда машҳур форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан Кобул шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда қатнашади. Навоий ва Жомий қабрларини зиёрат қилади. Сафар натижасида «Моҳигул», «Алишер Навоий қабри устида» шеърларини «Хоки мусалло» ва «Тахти сафар» номли мақолаларини ёзади.

* * *

Биз ҳаммамиз Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» қиссасини севиб мутолаа қилганмиз. Қиссада қизиқ бир эпизод бор:

« — Баракалла — деди мўйсафид саҳҳоф.

— Давлатим бўлганда тўн кийгизар эдим. Етти танга бир мири бер-чи, қани. Бола, пулинг бўлса, шу китобдан олиб қўй, пешонангда юлдуз кўриб турибман.

Жарақлатиб санаб бердим.

... Китобни қўлтиқлаб, мен кетдим.

Фурсат келганда айтарман, бу китоб «Хамса»и Алишер Навоий экан».

Ушбу воқеа асарда бадиий тўқима тарзида келтирилган бўлса-да, бежиз эмас. Ғ.Ғулом ҳақиқатан ҳам Навоийнинг «Хамса» асарини ёшлик вақтида китоб сотувчи саҳҳофлардан сотиб олган. Ҳозирда эса бу китоб Ғафур Ғулом уй-музейи фондида КП 4442- инвентар рақамида сақланмоқда. Бундан ташқари уй-музейда Алишер Навоийнинг XVIII-XX асрларда турли ҳаттотлар томонидан кўчирилган «Маҳбул-ул-қулуб», «Чаҳор девон», «Хамса», «Назм-ул-жавоҳир», «Девон» асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Бу асарлар Ғафур Ғулом кутубхонасининг энг нодир ва бебаҳо китобларидан ҳисобланган ва уларни шоир кўз қорачиғидай асраган, фойдаланганда ҳам жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланган. Демакки, у устози асарларини ўқиб-ўрганиш, ижодини ўз шеър ва мақолаларида акс эттириш билан бир қаторда Навоий яратган санъат асарларини келгуси авлод учун ҳам қолдиришга ҳисса қўшган.

**Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ,**
**ТДИУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси.**

## Пойтахтга саёҳат

— Тошкентни кўрмаганимга ўн йиллар бўлганди, — дейди меҳнат фахрийси Самад Қодиров. — Кўриб, ҳайрат ва севинчдан бошим осмонга етди. Тошкент жаннат бўлибди... Ўзбекистоннинг пойтахти шундай гўзал бўлиши керак, деб ғурурим ичимга сиғмай кетди.

Бу биргина Самад Қодировнинг гапи эмас. Бу гапни Китоб-Тошкент поездида Қашқадарёдан пойтахтимизга борган 210 қария оғзидан бол томиб, қайта-қайта айтди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни олдидан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги хайрли ишга қўл урди. Туманлардан қарияларни чорлаб, уларнинг Тошкентнинг кўзга кўринган жойларини зиёрат қилиб келишига имкон яратди.

— «Хотира майдони» ва «Шаҳидлар хиёбони»да бўлдик. «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдик, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими кенгашининг раиси Январь Иноятов.

Отахон ва онахонларда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон адабиёт музейида кўрган-билганлари, айниқса, катта таассурот қолдирди. Ўзбек миллий академик театрида «Чимилдиқ» спектаклидан ҳузур қилишди.

— Саёҳат — юрган дарё, ўтирган бўйра эканлигини кўрсатди, — дейишди улар. — Қаранг, 10 йилда Тошкент шу қадар улуғвор бўлиб, чирой очибди. Бу нимадан? Мустақилликдан. Ҳа, ана шуни энди ҳар жойда ёшларга уқтирамиз. Унинг қадрига етишга, унга муносиб бўлишга, шукрона қилиб яшашга ундаймиз. Саёҳатдан хулоса шу бўлди.

Дарҳақиқат, шундай. Қари билганни — пари билмайди. Қарияларда ҳикмат кўп. Саёҳат баҳона уларнинг кўнглини олиш, дуоларига сазовор бўлиш савоб ишларни кўпайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ўн тўққизда эди жўралари...

Соқоли оппоқ, қошлари қоп-қора, ҳасса тутган, қора духоба чопон кийган, бошига салла ўраган, жуссаси кичкинагина чол зинапоялардан енгил кўтарилиб, чойхонанинг сўл тарафидаги сўрига қараб юрди.

«Саид Ниёзов эмасми?» деган фикр ўтди кўнглимдан. Танидим. Ўша машҳур Саид Ниёзов. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Оғзида биттагина тиши қолибди. Қулоғи ҳам сал оғирлашибди. Қаттиқроқ гапирмасангиз эшитмайди.

— 81 га кирдим, — дейди Саид бова, — энди кўз ҳам хиралашиб қолди.

Лекин шундай дегани билан хотираси ниҳоятда тиниқ унинг. 19 ёшли жўралари билан қайси куни қай вақтда урушга кетгани ҳали ҳануз ёдида.

— Май ойининг охири эди, — ҳикоя қилади у. — Паландара қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Матмон қишлоғидан Маъруф Боев, Норқул Соҳибов деган жўраларим билан урушга жўнатилдим. Ўшанда қишлоғимизда ёнғоқ, зардоли, олма кўп бўларди. Ўриклар оппоқ гуллаб ётарди. 19 ёшда эдик ҳаммамиз. Мен қайтиб келдим. Улар қайтишмади.

Бова узоқ тин олади. Пиёладаги совуб қолган чойни ҳўплаб, соқолини силайди. «Худо раҳмат қилган бўлсин» пичирлайди лаблари.

— 1945 йил 1 декабрда қишлоғимга қайтиб келдим. 1948 йили Муслимага уйландим. Момонгиз ҳозир 73 ёшда. Етти нафар фарзанд, 40 невара, 25 эвара кўрдик. Агар жўраларим шаҳид кетишмаганида эди улардан ҳам зурёд қоларди... Менга ўхшаб неварали, эварали бўлиб юрарди.

У узоқ сукутга толади. Сўнгра бошини илкис кўтариб, жилмаяди...

— Ҳарқалай уларнинг номи ўчмади, — чолнинг кўзларида ёш томчилари пайдо бўлади.

— Худога беадад шукур, — дейди у. — Шу кунларга етдик. Қишлоғим тупроғига қадам қўйган куним кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. «Келдим» дедим тупроққа юзимни босиб...

Шундан бери Саид Ниёзов тирикчилик ташвишлари билан андармон. Қишлоқдошлари қатори тирикчилик ташвишлари билан умргузаронлик қилди. Шундай қилиб у бугун 81 га кириб қўйди.

— «Мотамсаро она» ёдгорлиги очилган йили мени ҳам Тошкентга таклиф қилишди, — гурунг беради бова. — Бордим, тавоф қилдим. Ва... — у мамнун жилмаяди, — жўраларимни топиб олдим. Шундан бери димоғим чоғ. Каримовга раҳмат. Шунча иш қилди. Худо умрини зиёда қилсин.

— Чойхонага чиқиб, бир гурунглашиб келай дебсиз-да, — гап орасида сўраймиз ундан.

— Ҳа, — дейди у, — бу чойхонага «Нуроний» деб бизларнинг номимизни қўйишибди. Бу бир. Иккинчидан, шу чойхонанинг очилишида Китоб тумани ҳокими Сайфулло Азизов биз, қарияларни тўплаб, чой берди, устимизга биттадан тўн ёпди. Отасига раҳмат. Шундан бери Китобга йўлим тушса, бу ерга кириб ўтаман. Ўтган-кетганни кўриб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, қайтаман... Ҳай, умр ўтяпти. Оиланинг тўнғичи эдим. Ўғилдан ўзим, қизлардан синглим Саидбиби қолди. Худо умр берса, яхши кунларни кўраверамиз-да. Мана, қаерга борсак, иззатлаб, тўрга чиқаришади. Яна нима керак?

У уруш кўрган, қаттиқчиликнинг бор азобини тотган одам. Шунинг учун бу кунларга минг бор шукрона қилади. Саид бова Ниёзов ана шундай отахон. Баданида жароҳат излари беҳисоб, асоратлари кўп бўлса-да, сира нолимайди. Аксинча ўзини тетик тутиб, невараларига гурунг беришдан чарчамайди. Гурунг эса шундайки, уни тинглаган сайин Паландара қир-адирларига, тоғ-тошларига беихтиёр меҳр қўйиб қоласиз. Шу ер, шу тупроқ учун жонини тикканлар ҳақида ўйлай бошлайсиз, хотирлай бошлайсиз. Зеро, аждодлар қалбидаги она заминга бўлган меҳр-муҳаббат авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОҚИБАТЛИ ЙИГИТЛАР

Рота командири, лейтенант Аслиддин Шарипов яхши гап айтди. Биз чегарачилар... Қуролдошлар аввало аҳиллигимиз, бир-биримизни тўғри тушунишимиз билан кучлимиз. Шахсий таркибимизни кўриб турибсиз. Биз бир ота-онанинг фарзандларидаймиз. Шу мамлакатнинг фуқаросимисан, демак, сен бир-бирингга туғишганлардек эътиборли бўлмоғинг керак-да.

9 Майнинг мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб белгиланиши, энди йигирма ёшдан ошган ёш зобит — Аслиддиннинг фикрича, ватандошларнинг ўз ўтмиши, бугунига, қолаверса, бир-бирларига эътиборли бўлишларига даъватдир. Шунинг учун чегарачилар бу кунни нишонлашга алоҳида тараддуд кўрадилар. Ўзбекистондан чиққан буюк саркардалар, озодлик ҳаракатларининг йўлбошчилари ҳаётлари ва тажрибалари ўрганилади. Юрт озодлиги ҳамда осойишталиги йўлида жонини фидо қилганлар жасорати яна бир бор тилга олинади.

— Ватанфуруш кимсалар Сариосиё тоғлик ҳудудларидан туриб юртимизга кўз олайтирган пайтда мен мактаб ўқувчиси эдим, — дейди зарафшонлик оддий аскар Ғофир Абдиразоқов. — Ўшанда Ватан учун кўксини қалқон қилганларнинг жасоратларини телевизорда кўрдим. Газеталардан ўқидим. Уларнинг ёниб турган кўзларига, ялтиллаган погонларига ҳавасим келган. Ўшанда чегарачи бўлмоқни, сарҳадларимизни қадамлаб юриб қўриқламоқни кўнглимга туккандим. Бугун чегарачиман. Ватан ҳимоячисиман. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан тоғларда жасорат кўрсатган ва ўз баҳодирликлари билан биз, ёшлар юрагига мангуга сингиб кетган юртдошларим ҳамиша эл эъзозида.

— Мен Нурота туманиданман, — дейди оддий аскар Ғулом Ҳамидов адл қоматини тик тутиб. — Хизматга келганимга кўп бўлгани йўқ. Лекин шу олти ой мен учун катта мактаб бўлди. Мен Ватанимни кўргандай, у билан танишгандай бўлдим. Ватанни география ё тарих китобларини ўқиш билан тўла таниб бўлмас экан. Ватаннинг бағрига кириб бормоғинг лозим экан. Ана шунда унинг ҳар сиқим тупроғи, тоғи-тоши кўзингга тўтиё бўлиб кўринаркан.

Йигитлар ҳақ. Ватанни севиш деган гап жўн гап эмас. Ватанни севмоқ учун аввало уни танимоқ керак, Ватанни ҳимоя қилиш уни севишдан ва унга оқибатли бўлишдан бошланади.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Оқсоқоллар дуоси

Қарияларни эъзозлаш халқимизга хос азалий одатлардан бири ҳисобланади. Ана шундай эъзозни пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Истиқлол» маҳалласида ҳам кўрдик. Маҳалла фаоллари қарияларни Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда маҳалла ташкил топган куннинг 30 йиллиги муносабати билан бир пиёла чойга таклиф этишди.

— Менинг кўзим иккинчи жаҳон урушида яраланди. Аммо бу билан ҳаёт тугади, деб тушкунликка тушмадим, — деди I гуруҳ уруш ногирони, кўксини Ватанимиз орден-медаллари безаб турган Жамолиддин ака Каримов тадбирни очар экан. — Биз мақсадсиз ҳаёт кечирмадик: ишладик, оила қурдик. Ватанимиз учун муносиб авлодлар улғайтириб, биз кўрмаган доруламон кунларни кўришини орзу қилдик. 9 нафар ўғил-қизимнинг бари олий маълумотли. Худога шукр, улар бугунги мустақиллик даврида Ватанимиз равнақи йўлида турли соҳаларда ишламоқдалар. Ўттиз нафар неварам, 12 нафар чеварам бор. Хўш, мана шундай пиру бадавлатлик замирида нима ётибди? Бу — тинчлик. Дарҳақиқат, тинчлик замонида юрт обод, фарзандлар ўқимишли, инсон пиру бадавлат бўлади.

Ҳозирда маҳаллада 250 дан зиёд қариялар бўлиб, улардан 25 нафари иккинчи жаҳон уруши иштирокчисидир. Эътиборли томони, бу ерда турли миллат вакиллари, хусусан, украин, рус, татар ва бошқалар бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқ умргузаронлик қилмоқда.

Тадбирда ўтганлар руҳи-поки хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Сўнг «Истиқлол» маҳалласи оқсоқоли Тоҳиржон Абдуллаев иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари учун ажратилган хайрия ёрдамни ўз эгаларига топширди. Шунингдек, оқсоқол «Истиқлол» маҳалласининг пойдеворини қурган, 25 йил мобайнида оқсоқол бўлиб ишлаган Қобулжон Эсоновга халқ олдидаги хизматлари учун кимхоб тўн кийгазди.

— Урушда мен кўплаб қуролдош дўстларимни йўқотдим, — деб бир лаҳза хаёлга чўмди «Шуҳрат» медали соҳиби Евгений Севастьянов. — Урушда кўпчилик ўз яқинларидан, Ватанидан жудо бўлди. Мен Тошкентда туғилганман, шу диёрда менинг киндик қоним тўкилган. Гарчи миллатим рус бўлса-да, уруш тугаши биланоқ Ватаним — Ўзбекистонга қайтишга жуда-жуда ошиқдим.

Ҳа, бу кун авлодлар аждодларнинг хотирасини ёд этадилар, қариялардан хабар оладилар. Улар эса бу кун ҳар кунгидан-да, кўпроқ иззатда, дуода бўладилар: илойим, юртимизда тинчлик бўлсин!

**Оқил АБДУАЗИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Фарзанд изҳори

## Чароғбонимиз

*Қўлимга қалам олдим-у кўз олдимга нуроний отам сиймоси келди. Менинг қалби дарё, кўнгли очиқ отажоним...*

*Падари бузрукворимиз Маъруф Юсуповни қишлоғимизнинг катта-ю кичиги иззат-ҳурмат қиларди. Сабаби, у киши ҳам меҳнат фахрийси, ҳам 1-гуруҳ уруш ногирони эдилар. Кўпни кўрган инсон сифатида жўяли маслаҳатларини ҳеч кимдан аямасдилар.*

*Биз етти фарзанд эдик. Ҳаммамизни ўқитиб олий маълумотли қилдилар. У киши туфайли олган илмимиз, бевосита берган тарбият-насиҳатлари отамиз биз, фарзандлар қалбига ёқиб кетган, айни пайтда ҳаёт йўлимизни ёритиб турган ёрқин нурли бир чироқдир. Отамизнинг боқий дунёга риҳлат қилганларига ўн икки йил бўлди. Аммо ёқиб кетган чироқлари ҳамон нур сочиб турибди. Бу чироқ нуридан йигирма икки набира, олти эварагина эмас, мен ўзим ўқитаётган юзлаб ўғил-қизлар ҳам баҳра олмоқдалар...*

*Хотира айёмида падари бузрукворимни эсларканман, «жойингиз жаннатда бўлсин, чароғбоним!» дейман.*

**Муҳаррам ЮСУПОВА,**
**Тошкент туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.**

## Биз билган ва билмаган Бертахоним



Шоир ва драматург Арон Шаламаевнинг Исроилда чоп этилган «Хотиранома» номли китобида Бухоро яҳудийларининг ўзбек ёр-биродарлари билан ҳамкорликда ўзбек санъати ва илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган.

Аввало, ўзбек санъати намояндалари ичида иккита Берта Давидова ижод қилганлигини айтиб ўтмоқ жоиз. Улардан бири ҳозирги кунда ўзининг сеҳрли мақом куйлари ижрочилигида донг чиқарган Берта Давидова бўлса, иккинчиси ўзбек мусиқа театри ва сўнгра опера санъатида Қори Ёқубов, Ҳалима Носирова, Тамарахонимдек санъаткорлар қаторида хизмат қилган Бертахоним Давидова-Шариповадир. У эстрада санъатининг моҳир ижрочиси Раъно Шарипованинг онаси бўлиб, бундан ўн икки йил муқаддам 80 ёшида оламдан кўз юмган эди.

Ўтган асрнинг 50-йиллар охири 60-йилларда Берта опа анча кексайиб қолган бўлса ҳам Навоий номли опера ва балет театри опера спектаклларида характерли роллар ижро этарди. Бироқ актрисанинг 30-60-йиллардаги ижоди ҳақида матбуотда ва санъат асарларида кам нарса ёзилган. Фақат А.Корсаковнинг «Узбекский оперный театр» (1961), муаллифлар қаламига мансуб «Пути развития узбекской музики» (1946) китобларида актриса ижоди ҳақида айрим лавҳалар ёзилган, холос. У билан бир вақтда ижод қилган Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Музаффар Муҳамедов ва бошқаларнинг хотиралари актриса ижоди ва унинг мусиқа театри ривожидаги ўрнини анча бойитади.

Берта Давидова 1910 йилда Тошкентда таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга қизиқади. Ўша даврларда Тошкентда ижод қилган Бухоро яҳудийларининг машҳур ҳофизи - Бенёмин Қори Давидов ва Нинахоним ансамбли ижросидаги мақом куйлари, завқли лапарлари, рақслари уни ўз бағрига тортади. Тез кунда қўшиқчиликда, рақс санъатида танилиб қолади. Айниқса, ўша вақтларда унинг «Дилхирож», «Муножот» каби рақслари машҳур бўлган. Бу гўзал рақсларга унинг чиройли қиёфаси, кучли овози, саҳнада ўзини тутиши ҳам қўшилиб, яхлит бир жозибадорлик касб этган.

1929 йилда ўз гуруҳини тузиб, концертчиликда мустақил фаолият кўрсата бошлаган пайтларда Қори Ёқубов раҳбарлигидаги ўзбек мусиқа театри Самарқанддан республиканинг янги маркази — Тошкентга келади. Кўп ўтмай Бертахонга Қори Ёқубов ва Тамарахоним назари тушади ва уни ишга таклиф қилишади. У саҳнада биринчи бор ўз ижодини синаб кўради. «Аршин мол-олон» спектаклида Гулчеҳра ва Осиё, «Резаворчи»да резаворчи қиз ролларини ижро этади. Шундан сўнг «Ҳалима» спектаклида Ҳалима ва она, «Ўртоқлар»да Қумрихон ва Тўтихон, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, Ёсуман, «Лайли ва Мажнун»да Лайли ва она, «Гулсара» спектаклида Ойсара, «Тоҳир ва Зуҳра»да Юлдуз каби жозибадор мураккаб қиёфаларни яратади. Булар ичида ўзининг ижрочилик маҳорати билан Ҳалима («Ҳалима»), Турсуной («Зайнаб ва Омон») роллари ажралиб туради.

Санъаткор мумтоз қўшиқларни ҳам моҳирона куйлаган. Унинг ижросидаги «Уфори савти калон», «Қашқарчаи савти ушшоқ», «Талқини савти калон», «Талқини мустаҳзоди наво», «Эй, дилбари ман» қўшиқлари ижронинг нафислиги билан санъат шинавандалари эътиборини қозонган.

Санъаткорнинг иккинчи умри унинг қолдириб кетган роллари ва қўшиқларида яшайди. Зеро, Бертахоним ўз санъати билан бизга ҳамма замонларда ҳам қадрлидир.

**Мамажон РАҲМОНОВ.**

# АЖДОДЛАР ҲАЁТ

**_Донолар инсон умрини дарёга қиёс қиладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Садоқат ва эътиқод билан ўтган умр одамларга эзгулик улаша боради._**

**_Милиция генерал-майори Ғуломжон Зокировнинг умри ана шундай гўзал ва эзгуликка бой эди. У билан жуда қисқа ишлаш шарафига муяссар бўлганлар, ўша қисқа вақт уларга мазмун ва миқёси билан бутун бир талабчанликни, мустақил фикрлашни, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатни айтишни, адолатсизликка муросасизликни, диёнатга хиёнат этмасликни, ҳаётга муҳаббат ва садоқатни ўргатганини айтадилар._**

## Эҳтиром



Пештоқига «Бу уйда милиция генерал-майори Ғуломжон Зокирович Зокиров яшаган» деган ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган уй дарвозаси йўқлаб келувчилар учун ҳамиша очиқ. Уларни хонадон соҳибаси, Ғуломжон аканинг рафиқаси Кундузхон ая очиқ чеҳра билан кутиб олади.

«Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар, аскар эмас» деган ҳарбийларнинг гапи бор, - дейди Кундузхон ая, - аммо генерал бўлиш учун орзунинг ўзи кифоя эмас, у қанча-қанча меҳнату машаққатларни енгиб ўтишни талаб қилар экан. Дадамиз хизмат тақозоси билан Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоят ва шаҳарларида яшашига тўғри келган. Менга ҳам генерал билан бирга сув келса симириб, тош келса кемириб деганларидай, кўч-кўронимни кўтариб, қанчадан-қанча қийинчиликларни енгишга, оғир шароитларга чидашга тўғри келган. Милиция иши ҳаловатсиз иш, ҳар куни ҳар хил кўнгилсизликлар бўлиб туради. Аммо дадамиз ҳеч қачон ишининг оғирлигидан нолимаган. Хизматда нима воқеа-ҳодиса бўлишидан қатъи-назар, уйга ҳамиша хотиржам ва хушчақчақ кириб келарди. Дадамизни хавфли жиноят очилиши ва жиноятчини тутишдаги бевосита иштирокини радио ва газета хабарларидан билардик, холос.

Биз эл қатори яшардик. Баъзан аёллигимга бориб-ми, ёки ҳамкасбларининг данғиллама уй-жойлари, тўкин-сочин рўзғорларини кўрибми, турмушимиздан нолиб қолсам «менинг бўлган-турганим шу, бошқа бу ҳақда гапирманг!» — дея гапни шартта кесиб қўярди. Хизматида қўша-қўша машиналар бўлатуриб, якшанба кунлари ўзи автобус ёки трамвайда бозорга бориб бозор-ўчар қилиб келарди.

Дадамизнинг хизматдан вақтлари ортмаса-да, болалар тарбиясига катта аҳамият берган. Уларни севардию, аммо ҳеч қачон талтайтирмаган. Оила шаъни, оила обрўси ҳамма нарсадан устун турган. Ёлғиз ўғлимиз Бахтиёржонга ҳам ота, ҳам ака, ҳам устоз эди. Шукрки, Бахтиёрим отаси орзулагандай инсон бўлиб етишди. Ота изидан бориб ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумот олди, ҳозирда ИИВ Академиясининг подполковниги. Отаси ўғлимизнинг камолот пиллапояларидан ўз меҳнат ва билими билан кўтарилаётганини кўрганида борми...» дея кўзига ёш олди ая.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини жиноятчиликка қарши кураш ва халқнинг осойишталигига бахшида этган, узоқ йиллар Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган, ҳалол ва Ватанга содиқ шогирдлар етиштирган Ғуломжон Зокиров хотираси эл эъзозида. У туғилиб ўсган Фарғона водийсида ҳуқуқий йўналишдаги Фарғона лицейига ва Қўқондаги кўчалардан бирига генерал номи берилган. Ҳар йили кузда Тошкент вилояти ИИБ томонидан хотирасига бағишланган анъанавий футбол турнири ўтказилади.

**Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА.**



_Биз доимо биргамиз..._

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

**_Раҳматли отам дердилар: «Ўғлим, ҳар қанча шошиб кетаётган бўлсанг ҳам қабристон олдида отдан туш, аждодларинг руҳини ёд айла, дуога қўл оч, лаҳза сукут сақлаш тирикликнинг мангулик олдидаги бурчидир». Ҳар доим қулоқларим остида жаранглаб турган шу сўзларни эсласам, юрагимда аллақандай санчиқ сезаман. Лавозимда эдим. Икки ўт ичидаман. Бобо-бибиларим ётган қабристон ёнидан ўтмасликка уринардим. Гоҳо йўлим тўғри келиб қоларди. Тўхтасаммикин? Чор тарафга кўз ташлайман. Ҳеч ким кўринмайди, шекилли. Апил-тапил машинадан тушаман-у, «капот»ни кўтариб қўяман: «машина бузилди-да»._**

**_Эй, замонлар ўтди-да. Ўшанда ота-онаси қабри қаердалигини билмайдиган раҳбарларнинг дил сўзларини эшитиш қийин эди, жуда қийин эди..._**

**_Бугун миллати, жинси, ёши, лавозимидан қатъий назар қайси бир ватандошим билан суҳбатлашмай, Хотира ва Қадрлаш кунининг моҳиятини теран ҳис этганидан ёшариб кетаман._**

## Савоб — эзгулик

**Налтой БЕРДИЕВ, Конимех туманидаги Абай номли ширкат хўжалиги, Меҳнат Қаҳрамони:**

— Ёшим тўқсонни қоралаб қолди. Шунча йил яшабман-у Инсоннинг инсонлигини билдирадиган Хотира ва Қадрлаш сўзлари маъносига унчалик эътибор қилмабман.

Овуллардаги қабристонларга назар ташланг. Илгарилари мол туёқлари остида, қаровсиз ҳолда ётарди. Ўз қадр-қимматимизни шунчалик хор қилиб қўйганимизни эслаб, ич-ичимдан эзилиб кетаман. 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан ўзлигимизни қадрлаётганимизни қабристонларнинг ҳозирги ҳолатидан ҳам сезиб оласиз.

Инсон хотираси ва қадри олдида бош эгмаслик мумкинми? Мустақилликкина бизга шундай улуғ саодатни инъом этган экан, уни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

**Василий ЕВЦЕЕВ, Навоий шаҳридаги «Ғалаба» маҳалласи:**

— Хотира ва Қадрлаш куни деганимиз одамийликни улуғлаш, ўзимизни англаш дегани эмасми? У ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Ватан учун, эл-юрт учун жон фидо қилганларнинг номлари абадий эканлигини ҳар доим эслатиб туради.

Ҳаётнинг кўп синовларига дуч келганман, турли азоб-уқубатларни бошимдан кечирдим. Бугунги тинчликни, тўқликни, осуда ҳаётни биз, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидек ҳеч ким дилдан ҳис этолмас. Кино дегани нима у, уруш экранларга сиғармиди? Фронт ортидаги қийинчиликлар-чи?! Хотира ва қадр шуниси билан улуғки, одамзодни доимо сергаклантиради.

Навоийдек гўзал шаҳарни бунёд этишда қатнашганимдан бахтиёрман. 40 йилдирки, шу ерда яшаб, ўзбек халқи билан елкама-елка осуда ҳаёт гаштини сураяпман.

**Абдулла БОЗОРБОЕВ, Навбаҳор туманидаги Кескантерак қишлоғи:**

— Мустақиллик «тарихий хотирасиз — келажак йўқ»лигини қалбларимизга сингдирди. Бепоён мамлакатимиз бир кунини инсон хотирасини қадрлашга ажратишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бу инсоннинг инсонга, заминга, ўтмиш ва келажакка ҳурмати.

Ўзидан яхши ном қолдириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Етмиш беш йил яшаб бунга гувоҳ бўлганман. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишладим. Шогирдларим, фарзандларим, невара-чевараларим камолини кўриб теримга сиғмай кетаман.

Йиллар ўтади. Бугунги кун ҳам хотирага айланади. Шунда ёшларимиз бизларни қадрлаб, хотирлаб дуога қўл кўтарадилар. Хотира ва Қадрлаш куни яна минглаб савобларга йўл очиши табиий.

Ҳаёт абадий экан, хотира-ю қадр ҳам абадийдир. Инсон борки, эслайдигани, қадрлайдигани бор. Бутун ватанимиз, халқимиз бир кунини эслашга, инсон ёдига, қадр лаҳзаларига бағишлагани чин одамийлик нишонасидир. Эҳ-ҳе, шундай кунга етмаганларни тасаввур этинг-а! Бир донишманд шундай деган экан: «Такаббурлик, манманлик вужудингга кириб келаётганини сезсанг қабристонни кез, руҳингни маъюслик, тушкунлик тарк этмаётган бўлса, дарёни томоша қил. Сен такаббур, манман, золим бўлсанг, ўз кучингга ишониб ожизларни эзсанг, ўзингни доно санаганинг ҳолда «аҳмоқлар» устидан кулаётган бўлсанг шуни билки, инсон умрининг интиҳоси шу ерда — сенга етадиган икки қулоч жойда якун топади».

Шундай экан, инсон ёди ва қадрини янада юксакликка кўтариш бурчимиздир. Зеро, савобдан буюк эзгулик борми?!

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

_Эъзоз_

## Боболар ўйнади, момолар ўйнади

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилаяпти. Худди шундай байрам Сирғали туманида ҳам бўлиб ўтди. 500 нафардан зиёд иккинчи жаҳон уруши, Чернобиль АЭСи ҳалокати қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, меҳнат фахрийлари тумандаги «Бахт уйи» гузарига йиғилдилар.

Туман ҳокими Раҳимжон Розмуҳамедов тантанани очар экан, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшган фахрийларни муборакбод этиб, уларга омонлик тилади. Сўнг меҳмонларни тўкин дастурхонга таклиф этди. Тантананинг бадиий қисмида тумандаги 284-мактабнинг «Баҳор ғунчалари» ансамбли рақкосалари, санъаткорлар байрамга файз киритишди. Ўтмиш азоби, уруш даҳшатини бир зум унутган боболар ўйнади, момолар ўйнади. Улар шодлигига ёшлар шерик бўлдилар. Авлодлар учрашуви Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фахрийларга 9000 сўмдан пул, туман ҳокимияти томонидан ажратилган қўшимча мукофотларни тантанали топшириш билан якунланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Муборак маскан

Дилбар Фарғонанинг энг сўлим ва шинам кўчаларидан бирида Хотира хиёбони бунёд этилганига йил тўлгани йўқ. Лекин мана шу муборак маскан нафақат шаҳарликларнинг, балки унга ташриф буюраётган меҳмонлар, сайёҳларнинг ҳам муборак қадамжоларидан бири бўлиб қолди. Яқинда жуда катта тантана ва нуфуз билан ўтказилган «Умид ниҳоллари» қатнашчилари ҳам хиёбонга ташриф буюриб, шу ёруғ кунларни, саодатли онларни ҳадя этган боболар жасоратига таъзим бажо келтирдилар.

... Ана, эндигина мўйлови сабза урган йигитча исми-шарифлар ёзилган лавҳалардан кимнингдир номини излайди. Янги ҳаёт бошлаётган келин-куёвлар ҳам Мотамсаро она ҳайкали пойини тавоб айлаб, оҳиста юриб лавҳаларга термулишади. Жамалак соч қизалоқ эса зарҳал ҳарфларга ўйиб ёзилган номларни рўмолчаси билан силаб-сийпалаб, ҳижжалаб ўқишга ҳаракат қилади.

Бу Хотира майдони Юртбошимизнинг «...жангчи юртдошларимизнинг ўлмас жасорати шак-шубҳасиз ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари, истиқлолимизнинг шавкатли ҳимоячилари қилиб тарбиялашда улуғ мактаб, ватранпарварликнинг ҳақиқий намунаси бўлғусидир» деган сўзларини қайта-қайта такрорлаётгандек бўлади.

Бугун вилоятда ана шу қаҳрамонларни эъзозлаш ва улуғлаш борасида катта тадбирлар ўтказиляпти. Аксарият сиҳатгоҳлар, санаторийлар фахрийлар хизматида. Биргина Фарғона туманида шу мақсадларга 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ташаббусни Олтиариқ, Бешариқ, Бағдод туманлари ҳокимликлари ҳам қўллаб-қувватлади. «Қувасой чинниси» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви эса даромади ҳисобига уруш фахрийлари нафақаларини тенг бараварга оширди. Ёзёвон туманидаги 28 нафар уруш ногиронлари уй телефонлари ҳақини тўлашни икки йилдан бери «Нуроний» жамғармаси ўз зиммасига олган.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги уруш ва меҳнат фахрийларини шаҳарнинг энг сўлим оромгоҳларидан бири — «Боғи Эрам» дам олиш масканига чорлаб, дастурхон ёзди. Улар қимматбаҳо совға-саломлар билан сийландилар. Бундан ташқари республика иқтидорли болалар мактаб-интернатида «Сафда айтиладиган қўшиқлар» байрами ўтказилди. Бу тантанада фарғоналик фахрийларнинг жасоратлари, истиқлол ғоялари улуғланди. «Ватанпарвар» ташкилоти спортчилари эса байрам дастурларини намойиш этдилар.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Қўшсаҳифа учун масъул: Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**


_Хурматли ватандошлар!_

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**



сизларни Хотира ва Қадрлаш куни билан табриклайди ва мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайди.

**_Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк» сизларга «ҚУЛАЙ»_** _деб номланган янги муддатли омонат турини таклиф қилади._

Мазкур омонат турига пул маблағлари аҳолидан шу йилнинг **_1 майидан бошлаб 3 ой муддатга, ҳар ойига 2,5%_** даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат ҳисобланган фоизи билан **_3 ой сақланса 7,69%_** даромад берилади.

«Қулай» омонатининг яна бир афзаллиги шундаки, уч ойлик муддат тугагач, омонатчининг иштирокисиз банк томонидан омонат шарти кейинги муддатга узайтирилади.

Омонатнинг энг кам миқдори **_25 минг сўм бўлиб,_** ушбу омонатга пул маблағлари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча жамғарма кассаларида қабул қилинади.

**Ўз жамғармаларингизни «Ўзсаноатқурилишбанк»да сақлаш ва кўпайтириш имконини қўлдан бой берманг!**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 133-34-45.

5759/932



**9 Май — _Хотира ва Қадрлаш куни_**



BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

**_Инсон токи тирик экан, хотира мангу яшайди. Хотирага айланган инсонларни қадрлаш эса тирикларнинг бурчидир._**

**_Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон_**

